



Фарғона водийси Темур салтанати таркалиб кетгандан сўнг мустакил бўлди. 1467 йилдаёқ Темурнинг жияни Умаршайх Фаргонанинг мустакил хукмдори эди ва Ахсикент(Ахси, Ахсикет, Аксикас деб манбаларда кайд қилинадиган шаҳар X асрдан бери Фаргонанинг йирик марказларидан бири сифатида тилга олинади. Каранг: Бартольд, 1-ж., 226-6; 1934 йили бу қадимий шаҳар харобаларини кўриш шарафига муяссар бўлдим.

Шаҳар деворларидан фақат харобаларгина сақланган. Сирдарё ўз ўзанини ўзгартириб туриши сабабли харобаларнинг бир қисми дарё остида қолганлигини айтдилар. Бу ер ҳозир ҳдм бир қишлоқдир. Бу қишлоқни унинг аҳолиси Ахси дейдилар. Археологик изланишлар ҳақида қаранг: И. Ахроров, «Новые археологические материалы», 79 - 81-6.) шаҳрини ўзига бошқент қилди. Унинг ўлиmidан сўнг ўгли Бобур бошқентни Андижонга(Андижон қачон шаҳар сифатида шаклланигани маълум эмас. Араблар келган вақтда ҳам бу ер Андижон деб номланарди. Бу шаҳар «ипақ қарвонлари йўлидаги марказлардан бири эди». «Бобурнома»да Андижон 60 ўринда қайд қилинади. Андижон ҳақида тўлароқ маълумот учун қаранг: Mirza Bala, Endican (Андижон), 268 - 270-6.) қў-чирди. Бобур Шайбонийларга қарши қурашда Фарғонани бой берди. Бу ўлка 1597 йилга қадар Шайбоний ўзбекларининг ҳукмронлиги остида бўлди. Кейинроқ Фарғонада яна мустақиллик учун ҳаракатлар бошланди. Халқ орасида Бобурнинг хотини Саид Оппокхоним қочиш арафасида бир ўғил туққанлиги ҳақида ривоят тарқалди. Ривоятга қўра, Бобур ва унинг хоними болани бир олтин бешиқда қолдириб кетишга

мажбур бўладилар. Халк бу чакалокни топиб, исмини Олтин бешик деб кўяди. Чакалок ўзбекларнинг минг уруги кўлига ўтади. Олтин бешикнинг Тангриёр исми бир ўгли бўлади. Тангриёр улгайиб Фаргона беги бўлади. Бу хил афсоналар воситасида минг уруги, балки Фаргонада ўз ҳокимиятини ёймок максатида бўлгандир... 1579 йилдан, яъни Шохрухнинг (1649 в.) сиёсий майдонга чиққунига қадар содир бўлган воқеа-ҳодисалар ҳақида ишонарли аниқ манбалар мавжуд эмас («Kokand, Russia and Buchara» номли (муаллифи, нашр қилинган жойи - тарихи ноаниқ) Берлиндаги Пруссия давлат кутубхонасининг ўқув залида мавжуд, Хиндистонда босилган бир асар (эҳтимол, расмий характерда 1865 йил февралигача Туркистонда содир бўлган муҳим воқеалар қисқача баён қилинган)нинг иккинчи саҳифасида Олтин бешикнинг шажараси қуйидагича кўрсатилади:

Олтин бешик - Тангриёр - Муҳаммадаминбий - Абдулқарим - Убайдуллабий - Шохмастбий (Чамашбий) - Хожихон - Аширқул - Шохрух (Оталик) - Абдулқарим - Абдуллаҳмон ва бошқалар. Олтин бешиқдан кейин 24 насл келган.). «Тарихи Шохрух» номли кўлёманинг муаллифи Муҳаммад Хўқандий Шохрухни Фаргона давлатининг асосчиси, деб ёзади (Мулла Ниёз Муҳаммад бин Мулла Ашур Муҳаммад Хўқандий. Тарихи Шохрух, ношир Н. Н. Пантусев (русчага таржима қилинмаган), Қозон, 1885 й., 15-6.). Бартольд Шохрухга қадар Шарқий Туркистон Чадак («Чодак» деган ер ҳозирги Фаргона водийсида бўлиб, тахминан Ўйчи ноҳиясининг шимолида (12-15 км масофада) Наманган билан Ўчқўргон орасидаги Чохартоғ [Тўрттоғ] - халқ тилида Чортоғ деб номланган бу ерни 1939 йилгача тез-тез зиёрат қилиш имконига эга бўлдим. Шаҳар, сарой ва қалъалари шу ердаги тўрт тепаликка қурилган бўлиб, эски шаҳардан факат харобалар сақланиб қолган. Шаҳар девори қолдиқлари ҳамон яхши сақланган. Халқ фикрига кўра бу ер бир замонлар хонларнинг ҳукумат маркази бўлиб, ҳозир кичик бир шаҳарчадир.) шаҳрилик хўжалар томонидан идора этилганлигини зикр этади (Barthold. Ferghana, V-ж., 563-6.). Факат Фаргонадаги хўжалар даври ҳақида аниқ маълумотлар берувчи манбалар кўзга ташланмайди. Шохрухдан сўнг Рустамбек (Ҳожи Султон деб ҳам номланади), Аширқул ва Шохрух ибн Аширқул (1621 йил) Фаргона ҳукмдорлари сифатида маълум.

Бобурнинг тасвирига кўра Фаргона водийси Шарқда Қошғар, Ғарбда Самарқанд, Жанубда Бадахшон тоғлари ва Шимолда Олмалик ва Олмаота шаҳарлари ва ўлкалари чегаралари билан қуршалган эди («Бобурнома», русча таржимаси, М. Салъе наشري, С. Азимжонова, - Тошкент: 1958, 5-бет.). Хонлик ташкил бўлмасдан аввал Фаргона водийсида машҳур ва Туркистон тарихида, ҳусусан, тарихда маданият ривожланган катта роль ўйнаган Андижон, Ахсиқент, Қосон, Ўзганд, Маргинон (Маргилон), Исфара, Ворух, Қонибодом, Хўжанд ва Ўш қаби шаҳарлар бор эди.

Шохрух ибн Аширқулнинг вориси Абдурахим анча вақт «Раҳим қалъаси» деб аталган ҳозирги Қўкон (Хўқанд) шаҳрини қурди. Қишлоқ ичидаги қалъа XVIII аср ўрталарида Фаргона хонлигининг маркази бўлган бир шаҳарга айланди (В. Наливкин, Краткая история кокандского ханства. - Қазань: 1886, 56-6; Бартольдга кўра бу қалъа Абдулқарим томонидан бунёд қилинган.). Фаргона салтанатини бутун водийга ёйиш истаги мана шу ерда натижа бера бошлади. Абдурахим Самарқандни, Қаттакўргонни ва Шаҳрисабзни ўз салтанатига қўшиб олди. Бу зафарлари асносида 1739-1740 йилда Хўжандда ҳаёт билан видолашди. Эҳтимол, у Бухоро аъёнлари томонидан ўлдирилди. Вафотидан сўнг номи тилга олинган ўлкалар Бухоро амирлиги тарафидан қайтариб олинди. Абдурахимнинг ўрнига унинг биродари Абдулқарим тахтга ўтирди. Абдулқарим қалмоқлар билан урушишга мажбур бўлди. 1760 йили қалмоқлар Қосонни ишғол

килдилар. Факат Кўкон учун жангни бой бердилар. Бирок калмоқлар ўрнида хитойлар пайдо бўлди. Хонлик киска муддат Хитой нуфузи остида колди. Абдулкаримнинг халафи Эрдонбек (Абдурахимнинг ўгли ислом давлатларининг иттифокини тузишга ҳаракат килди, бирок бирон-бир натижага эриша олмади. 1763 йилда афғонистонлик Аҳмадшоҳ Дурроний ўз лашкарлари билан Кўкон ва Тошкент орасида кўринган бўлса ҳам ўлкасидаги нотинчликлар сабабли ўша йили орқага қайтишга мажбур бўлди. Эрдонбекнинг ўлимидан сўнг 1778 йилда Султонхон отаси тириклигида бошланган Чуст, Андижон, Тўрақўргон ва Хўжанд бекларининг кўзголони бостиришга киришди. Мақсадига эриша олмай, ҳалок бўлди. Унинг ўрнига Абдулкаримнинг ўгли Норбўта ўтирди (1807 - 1878) ва бекларнинг кўзголони шиддат билан бостиришга муваффақ бўлди. Норбўтанинг ўгли ва халафи Олим (1807 ёки 1816 йилга қадар салтанатда бўлди) «хон» унвонини олди. Бухоро амирлигидан Ўратепа ва Жиззахни олиб, ҳар икки шаҳарни ўз салтанатига қўшди. Олимхон Юнусхўжа мустақил идора этаётган Тошкентни ишғол қилишга астойдил киришган бўлса ҳам 1799 йилдаги Тошкент сафари натижасиз тугади. Бошқа томондан Юнусхўжа Чуст ва Хўжанд бекларининг кўзголонида фойдаланиб, Фаргонани осонликча фатх этишга умид қилар эди. 1800 йили Юнусхўжа Кўконга юриш қилди. Факат унинг қўшини Хўжандда мағлубиятга учради. Шундай қилиб, Олимхон Тошкентга янгидан юриш қилиш фурсатини қўлга киритди. Бирмунча жанглардан сўнг Кўкон қўшини Тошкентни таслим қилди. Кўкон хонлиги секин-аста Туркистон (Ясси) шаҳрига қадар кенгайди. Олимхон Дашти Кипчокка (Сирдарёнинг қуйи оқими) қилган сафаридан Кўконга қайтишида (1809 ёки 1816) дарвешлар томонидан ўлдирилди (BSE, 1930, С. XXX 270-6; Hayit, Die nationalen Regierungen, 59-6., dipnot 229.). Норбўтанинг ўгли Умар (22.11. 1785 туг.) хон этиб тайинланди. Умархон 1818 йилга қадар Орол денгизининг жанубий қисмини ишғол этди ва Сирдарёнинг қуйи оқимида Окмасжид қалъасини қурдирди. Тошкентга қайтгандан сўнг мусулмонларнинг бош қўмондони (амирал мўъминин) бўлди. Табиатан шоир бўлган Умархон шеърларини «Озорий» таҳаллуси билан битган (Spuler, Yeschichte, 259-6.). У бирмунча шоирларни атрофига тўплади. Хатто Нодира ва Увайсий бир шоира сифатида адабий суҳбатларда иштирок этишарди. Уларнинг асарлари ҳозирга қадар ўзбек адабиётида ўзига хос ўрни борлиги билан эътироф этиб келинмоқда.

Умархон салтанатни бошқарган даврда ички осойишталикни сақлади, ватандошлари манфаати йўлида хизмат қилди. 1819 йили Хўжанд беги Умархон салтанатини йикитишга қаратилган кўзгolon кўтарган бўлса ҳам хон тарафидан бостирилди. Умархоннинг ўлимидан сўнг 1822 йилда унинг 12 ёшли ўгли Муҳаммад Али тахтни эгаллади. Унинг замонида Кўкон Хитойга қарши фаол сиёсат йўлини излади. Қoшгар Хитойлар томонидан ишғол этилганда, Оппокхўжа авлодидан бўлган Жаҳонгирхўжа (1758 йилдан бери) Кўконда яшамокда эди. Бу зот Кўкон саройидаги илм қишилари ва таъсирли бекларга ўз режаларини таништириб, уларнинг ёрдами билан Кўкон қўшинларини Шарқий Туркистонга қиритишни ташвиқ этарди. Жаҳонгирхўжа атрофига 3000 ҳарбий тўплаб Андижоннинг собиқ қўмондони Исо додхонинг бошчилигида 1826 йили Қoшгарга жўнади. Хитойликларга қарши кўзгolon ташкил қилиб, шаҳарни қабт этди. Олимлар илтимосига қўра, ёш хон Муҳаммад Али 1824 йили лашқарига бош бўлиб Қoшгарга қирди. Хонлик ўрдасининг Қoшгарда пайдо бўлиши билан Жаҳонгирхўжа ҳукмдор деб эълон қилинди. Факат хитойликлар Қoшгар қалъасидаги истехкомларини ўз қўлларида сақлаб қолдилар. Муҳаммад Алининг у ерда қўриниши Жаҳонгирнинг ҳушига ёқмаган воқеа бўлди. Зеро, Кўконни факат ўзи тўлиқ қўлга олиши шубҳали қарор

эди. Жаҳонгир бир вақтлардаги ўз хомийсини от устида ўтириб қаршилади (В. Hayit, Die jungste Ozbekische Literatur, «Central Asiatic journal» Vol. VII, N 2 (1962), 122-123-6.). Гулбоғ қалъасида ўрнашган хитойликларга қарши Кўкон кўшини ҳужум қилди. Жаҳонгир ўз қучлари билан хитойликларга бас қилиш умиди билан урушнинг томошабини бўлиб қолди. Кўкон лашқари қалъани забт этди ва айни шу йили Қошғардан орқага чекинди. Шундай қилиб, Жаҳонгир хитойликлар билан фақат ўзи ҳисоблашишдан бошқа чораси қолмади. 1827 йили март ойида хитойликлар 20000 аскар билан Қошғарга юриш бошладилар. Жаҳонгир тўққиз ойгина тахтда ўтирди, сўнг қочишга мажбур бўлди, ва хитойликлар 1 апрелда шаҳарни ишғол қилдилар (Жаҳонгирхўжа раҳбарлигидаги исён ва Кўкон билан Шарқий Туркистон хонликлари сиёсати ҳақида қаранг: Корнилов, Қашғария или Восточный Туркестан, 15-бет; Наливкин, 129-6., Bellew, «Report», 182-6.).

Мухаммад Алихон 1830 йилда 40000 аскар билан Қошғарга юришни амр қилди. Қўмондонликни ўрда қўмондони Ҳаққули ва Жаҳонгирхўжанинг биродари Матюсуфхўжа қўлга олдилар. Кўкон лашқари хитойларни Қошғардан 45 км масофадаги Мингйўлда енгдилар ва устунликдан фойдаланиб, Қошғар томон юрдилар. 1830 йил ноябрда Кўкон ўрдаси Қошғарни ишғол этди. Бу ердан Ёрқент, Хўжанд ва Оксув томон қилжиди. Бухоро Хонининг Кўконга юриш қилиши ҳавфи борлигидан Кўкон Ўрдаси Қошғарни тарқ этишига тўғри қелди. Кўконликлар 1831 йилда хитойлар билан қуйидаги шартномани тузиб, сўнг орқага чекиндилар:

1. Шарқий Туркистоннинг олти шаҳрида божхона даромади Кўкон хонлиги тасарруфидадир.
2. Божхона назоратига хон ҳар шаҳар учун Қошғар оксоқоли розилиги билан давлатнинг бир маъмурини тайин этади.
3. Олти шаҳардаги муҳожирлар хоннинг маъмурлари томонидан назорат қилинади. Хоннинг хитойларга нисбатан олган мажбурияти: Кўкондан хўжаларнинг Қошғарга қелишини рағбатлантирмаслик. 1832 йили Олим Паша Кўкондан Қошғарга қелиб, божхонанинг бош тафтишчиси вазифасини эгаллади. Кўконнинг бу устунлиги 1847 йилда Шарқий Туркистонда хўжаларнинг сиёсий майдонга чиқиши билан яқунланди (Кенгрок маълумот учун қитобнинг кейинги қисмига қаранг). Фақат 1858 йилда Ҳудоёрхон 1831 йилдаги шартноманинг қайтадан қучга қиришини таъминлай олди. У Насриддин додхони божхона ишлари назоратчиси сифатида Қошғарга юборди. Бу назоратчининг вақолати 1864 йилда Бузрукхўжа билан Яқуббек Қошғарда пайдо бўлғунига қадар давом этди.

Мухаммад Алининг салтанати даврида ҳам хонлик ерлари қенгайди. Кўкон ўрдасининг қўмондони Ҳаққули Шугнон, Дарвоз, Қоратегин, Рушан, Ваҳан ва Помир ҳавзасидаги Қўлобни давлатига қўшиб олишга муваффақ бўлди. Бу билан хонлиkning чегаралари XIX аср бошларида Помирдан Или дарёсига қадар ва Олой тоғларидан Сирдарёнинг қуйи оқимига қадар қенгайди (Иванов, Очерки, 186-6; Филлип Назаров, Записки о некотором народах и землях части Азии. Москва, 1968, 37-6. (НАЗАРОВ 1813 -1814 йилларда Ўруссиянинг Кўкондаги элчиси эди. Хотираларини 1821 йилда Петербургда ёйинлади). В. Абдуллаев, ўзбек адабиёти тарихи, Тошкент, 1964 йил, II жилдга кўра хонлик хали XVIII аср ўрталаридаёқ Тибет, Қошғар ва Дашти Қипчокқача ёйилган эди.). Кўкон хонлиги юқсалган даврда Бухоро билан бўлган муносабатлари шунчалик ёмонлашдики, Туркистоннинг бу икки давлати фақат қурол воситасида гаплашадиган қолга қелди. Олимхон замонида Бухоро билан Кўкон орасида Ўратепа учун 13 марта жанг бўлди. Амир Насруллох 1839 йилги қарбий юриши натижасида қар икки хонлик учун асосий

стратегик база бўлган Жиззах, Хўжанд ва Ўратепа шаҳарларини забт этди. 1840 - 1841 йилда Амир Насруллох Кўкон шахрини эгаллади. Кўкон хони Муҳаммад Алининг ўғай онаси Нодирани ва биродари Султон Маҳмудни қатл қилдирди. Амир Иброҳим Хаёл парвоначини Кўкон волиси этиб тайинлади. Фақат Бухоро, Фарғонада узок вақт ҳукмини ўтказа олмади. Наманган атрофи беклари Бухоронинг ҳукмронлигидан қутулиш учун Юсуфбекнинг раҳбарлигида Таласда истикомат қилаётган Олимхон билан биргаликда Умархоннинг ўғай укаси Шералибекни хон деб эълон қилишни таклиф қилди. 50 ёшли Шералибек бу таклифни қабул этиб, Корасувга (Андижон билан Ўш орасида) келди ва бу ерда хон этиб сайланди. 1842 йилнинг июнь ойида Кўконга юриш бошлади. Кўкон ва Бухоро аскарлари орасидаги бўлган жангда 3000 га яқин Бухоро сипоҳилари ҳалок бўлди. Кўкондаги 1500 бухоролик ҳибсга олинди. Шералихон Фарғонага янгидан мустақиллик берди ва Бухоро кўшинининг чекиниши асносида Хўжандни ҳам забт этди. Кўкон хонлиги аскарлари 1843 йили Муллабек кўмондонлиги остида Тошкентни Бухоро хонлигидан қайтариб олди. Кўкон билан Бухоро орасидаги бу душманлик 1865 йилга қадар давом этди. 1865 йилда амир Музаффар Кўкон шахрини яна забт этди. Музаффарнинг бу ҳаракати руслар Тошкентни босиб олиш учун Кўконга қарши урушаётган бир вақтда ҳар икки давлат учун (Кўкон ва Бухоро учун) фожиадан бошқа нарсасиз эди. Кўкон хонлиги ҳам ички тўқнашувлардан ҳоли эмас эди. 1865 йили Мусулмонкул итоатидаги қипчоқлар Шералихонга қарши кўзгалдилар. Унинг аскарлари Кўкон хони сипоҳиларини Чуст билан Тошкент орасида енгиб, Кўкон шахрини ишғол қилдилар. Қипчоқлар минг уруги хонадони салтанатини тугатиш мақсадида эдилар. Шералихонни қайтадан тахтга чиқарсалар ҳам Мусулмонкулнинг бошвақил (мингбоши) мансабига эга бўлиши ҳуқуқини қўлга қиритдилар. Бу аслида давлат идораси қипчоқлар қўлига ўтди, деган гап эди. Бу ҳолат эса ўзбекларнинг минг уруги вақиллари норозилигига сабаб бўлди ва 1845 йилда Олимхоннинг ўғли Муродбекни Кўконга жўнатдилар. Муродбек Кўконни фатҳ этгач, Шералихонни ўлимга маҳкум этди. Муродбек атиги ўн кун хонлик қилди, зеро, у ҳам ўша йили қипчоқлар томонидан қатл қилинди. Мусулмонкул ноиб бўлди ва Наманганда яшаётган Шералихоннинг учинчи (кенжа) ўғли Худоёрни хон этиб тайинлади. Худоёрхон мамлакатни идора эта биладиган даражага етмаганди. Шунинг учун у рақиб гуруҳлар орасида ўйинчоқ ҳолига тушди. Уч дафъа тахтдан туширилди ва Бухоронинг ёрдами билан (1845 - 1858, 1862 - 1863 ва 1866 - 1875) уч марта такрор хон этиб тахтга ўтирди. Бу «хон ўйинида» ва ички қелишмовчиликлар асносида Кўкон хонлиги Ўрусиянинг тўғридан-тўғри ҳужуми, босқини остида қолди, Хонлик билан 23 йиллик урушдан сўнг Русия урушда қолиб қикди ва 1876 йили Кўкон хонлиги давлат сифатида тугатилди.

Др.Боймирза Хайитнинг
"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан